

- газ хисоблаш ускуналаридан олинган архив маълумотларни, электрон маълумотларнинг барча параметрларини камидан уч йил мобайнида ўзида сакланишини таъминлаш;

- шартноманинг 3.17. ва 4.18.-бандларига кўрсатилган холатлар содир этилганлиги ва ушбу ҳолатларни бартараф этилгунига қадар табиий газ таъминотини кўшимча огохлантиришларсиз тармоқдан ўчириш;

- табиий газнинг рухсатсиз истеъмол килинганлиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож килинганини тўғрисида хукукни муҳофаза килиш органларини хабардор қилиш;

- Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газни етказиб бериш;

- қонунда назарда тутилган тартибда монополияга карши давлат органининг тақдимномасига асосан шартномага ўзгартиришлар киритиш;

- Етказиб берувчи ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

- техник хизмат кўрсатиш шартномаларига мувофик истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмат кўрсатиш:

- табиий газ сизиб чиқишида — дархол;

- овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иситиш мавсумида иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида — бир кун давомида;

- иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигида (иситиш мавсумидан ташқари вақтда) — икки кун давомида;

- Газдан фойдаланиш ускуналарини 5 сутка муддат ичida алмаштириш;

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7.2. Етказиб берувчи қўйидаги хукукларга эга:

- техник заруратга кўра, Истеъмолчини белгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни кисқартириш ёки тўхтатиш;

- газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни белгиланган тартибда газ тармоғидан узиб қўйиш;

- Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш қоидалари ва газни етказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

- табиий газни етказиб бериш шартномасини ижро килишдан конун хужжатларига мувофик бир томонлама воз кечиш;

- газ тармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

- ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган қоидабузарликлар бартараф этилгунига қадар аввалдан огохлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.

7.3. Истеъмолчи қўйидагиларга мажбур:

- хисобот ойида табиий газ етказиб бериш ва кабул қилиш далолатномасини ва хисоб-варакасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасигача Етказиб берувчига электрон газ хисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш.

- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;

- газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникижатдан соз ҳолатда саклаш;

- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табий газ сизиб чикиши холати хакида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор килиш;
- ўзининг газ тармоқлари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш максадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чикиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛГХ) мувофик бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл кўймаслик;
- газ етказиб берувчи вакиллари ва “Ўзнефтгазнспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табий газни истеъмол қилишни хисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш хукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига тўскинлик килувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, уларнинг қасдан бузилишига йўл кўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;
- табий газ истеъмолини хисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун кулай шаклда дархол хабардор килиш.

-Газ тармоғи бўлинини чегарасида табий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУЕ) тизимига уланган хисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш..

- 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан куйидагиларни талаб қилиш хукукига эга:
- етказиб берилган табий газнинг аниқланган хажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Етказиб берувчининг табий газни истеъмолини хисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
- табий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя килган ҳолда узатилиши;
- табий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ хажми учун тўланган суммани қайтариш;
- табий газни етказиб бериш шартномасини конун ҳужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;
- табий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
- газ етказиб беришни вақтинча тўхтатиши.

Истеъмолчи конунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа хукукларга эга бўлиши мумкин.

VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган моддий зарар ва бой берилган фойдани белгиланган тартибда қоплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар хисобланмайди:

- а) Истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармоқларига кўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш холати аниқланганда;
- б) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;
- в) конун ҳужжатларида назарда тутилган холатларда.

- г) истеъмолчи томонидан шартнома талабларига амал килинмаганида;
д) мазкуршартноманинг 2.5. ва 6.1.бандларида кўрсатилганхолларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Истеъмолчига моддий зарап етказилганда, Етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан базавий хисоблаш микдорининг ўн баробаридан ўн беш баравари микдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган хажмдан кам хажмда газ етказиб берилган такдирда, Етказиб берувчи нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ги Конуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, куйидаги холатлар бундан мустасно:

- а) форс-мажор холатлар;
- б) магистрал газ кувурларида ва газ тармокларида авария холатлари юз берганда;
- в) киш даврида вактинча газ етказиб бериш чекланганида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятларва Тошкент шаҳри хокимликлари карорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармогидан узиб кўйилмайдиган обьектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);
- г) шартномаасосида Истеъмолчи томонидан ўз зиммасига олинган мажбуриятлар бажарилмаганда.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив хужожатларталабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ кабул килиш ёки унинг учун хак тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ хажми кийматининг 20 фоизи микдорида жарима тўлашни талаб килиш хукукига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани кайтаришни талаб килиш хукукига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада кўрсатилган хажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи микдорида, бирок етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

8.6. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ хаки ўз вақтида тўланмаган такдирда, Истеъмолчи муддати ўтган хар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, бирок муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлади.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг хар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга карши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб колмасдан, барча амалдаги конун ва коидаларга оид шартларни ва талабларни тадбик этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. “Истеъмолчи” “Етказиб берувчи”га мазкур шартнома доирасида куйидагиларни кафолатлайди ва куйидаги мажбуриятларни хам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал килиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошка вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида харакат килиб, “Етказиб берувчи”нинг коррупцияга карши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча конун ва коидаларига катъий риоя килади.

X. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

10.2. Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда жавобгар жойлашган жойдаги тегишлисудга мурожаат килишга хаклидир.

10.3. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгаришига йўл кўйилмайди, конунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

XI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

11.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида= ва газ тармокларида, газни қайта ишлаш корхоналари ва газ қазибчикириш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда, шунингдек енгид бўлмас кучлар туфайли содир бўлган табиий оғатлар, хусусан, сел, ёмғир, сув тошкени, ёнғин чиқиши, ер кимирлаши, вирус тарқалиши ва пандемий даврида хамда Ҳукумат карорига асосан тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари бажариш имкони бўлмай колганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиш, қискартириш ёки муносабтларни тўхтатиш ҳукукига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор килиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сақланиб турса, томонлар музокарапар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор кабул киладилар.

XII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгаришиш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши хамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралидаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Газначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома _____ йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор килиш тўғрисидаталаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили “_____” йил 31 декабр санасига” амал килишлари лозим.

12.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича даъволари даъво кабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида кўриб чиқилади.

XIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги “Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмини таомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадибрлар тўғрисида”ги №6010-сон Фармони кабул қилиниши муносабати билан Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Мажбурий ижро бюросининг (БЮРО) барча ваколатлари 2020 йилнинг 1-августига қадар амалда бўлади.

13.2. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхасиҳам бир хил юридик кучга эга.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

<p>“ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ” “Худудгаразъминот” АЖ “Худудгараз Навоий” газ тъъминоти филиали</p> <p>Манзил: Навоий ш. М. Таробий кўчаси Тел./факс: 78-770-24-75 х/р: <u>22634000905113960365</u> Банк номи: «Ўзсаноатқурулишбанк» Ракат филиали МФО: 00435 ИНН 306605769 ОКЭД: 35220 Х/Р</p> <p>Рахбар в.в.б. Н. С. Гаффаров (Ф.И.Ш.)</p> <p>Имзоси: Мухр ўрни</p> 	<p>“ИСТЕЬМОЛЧИ” <u>Чурлодай бўйсл</u> (бюджет ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар номи)</p> <p>Почта манзил: <u>А. Десенхай</u> ОКПО коди: _____ ОКЭД: _____ Мулоқот у-н телефони <u>7957 31818</u> Физ./х <u>1340200003001000001000</u> Банк номи: <u>нарзинчий банк</u> МФО <u>00014</u> ИНН <u>206926371</u> ш/х <u>1000118601225870836102850001</u> х/р</p> <p>Газначилек <u>Чурлодай Розимонлик</u> (газначилек бўлинмаси номи)</p> <p>Рахбар: <u>А. Нарзиев</u> (Ф.И.Ш.)</p> 
--	---



202 йил «_____» _____ дагы
_____ -сон шартномага

Фойдаланишга қабўл қилинган газдан фойдаланиш ускуналари

РЎЙХАТИ:

РҮЙХАТИ:

Фаолият тури:

Учебный маркет

Кадастр №

Кадастр №

Табий газ тарифи 660 сум 00 тийин

Келишилган:

